

НАВОЙ АСАРЛАРИДА ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙУНАЛТИРИШ

Болтаева Саидахон Лутфуллаевна

Наманган вилояти Чуст туман 2-сон касб-хунар мактаби

"Тиллар" кафедраси мудири,

Она тили ва адабиёти фани укитувчиси

Аннотация: Мазкур маколада суз мулкининг султони, улуг бобомиз Алишер Навоий асарларида ёшларни касб-хунарга йуналтириш хакида суз юритилади.

Калит сузлар: суз мулкининг султони, улуг бобомиз, маънавий, ахлоқий, жисмоний, руҳий эҳтиёжлар, лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш, руҳий ҳолат, тушунча, тасаввур, кайфият, орзу-умид, майл ва қизиқишлар.

1997 - йилдаги Олий Мажлиснинг IX-сессиясида биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг сўзлаган: «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир» мавзусидаги маърузаси таълим тизими олдида турган улкан вазифаларни белгилаб берди. Ушбу сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг устувор йўналишини белгилаб беришда алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан ёшларнинг маънавий, ахлоқий, жисмоний, руҳий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама касб-хунар танлашга мустақил тайёрлаш долзарб муаммодир.

Келажагимиз булган ёшларни касб-хунар танлашга тайёрлашда ҳар бир ўғил-қиз шахсидаги индивидуал хусусиятлар мажмуасини назарда тутиб, уларнинг руҳиятидаги туғма имкониятлар, ҳаёт давомида таркиб топган ва мустаҳкамланиб, характеристига айланиб қолган маълум бир касб-хунарга нисбатан бўлган лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш ва ақл-заковат устунликларига қараб касб-хунар танлашга йўналтириш бугунги кунимизнинг характеристли белгиларидир.

Бугун мактабнинг вазифаси билимли ўқувчилар тайёрлаш билан бирга маънавий ва ахлоқий баркамол шахсларни шакллантиришдан ҳам иборат. Бундай ижтимоий аҳамиятли умуммиллий вазифани бажаришда ўқувчиларга мумтоз адабиётнинг ўлмас намуналари билан яқинроқдан танишиш имкониятини яратиш мухим дидактик зарурат ҳисобланади.

Адабиёт фани умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар орасида ўқувчиларда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришда етакчи мавқеда туради. Ушбу фан инсон маънавий қиёфасини ташкил этадиган руҳий ҳолат,

тушунча, тасаввур, кайфият, орзу-умид, майл ва қизиқишлиарни юзага келтиришнинг бекиёс имкониятларига эгадир. У ўқувчилар маънавий дунёсини қарор топтиришнинг чегарасиз майдонидир. Бунга эришиш учун адабиёт ўқитиш жараёнида ўрганиладиган бадиий асарнинг жанри, табиати, бадиий хусусиятларига мос метод ва усувлар танланиши керак бўлади.

Халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткори деганда Алишер Навоий куз унгимизда гавдаланади. У кишининг тарбияга оид қарашларини уммон каби чексиз шеъриятида, “Хамса” каби йирик юксак бадиий, “Маҳбуб улқулуб” сингари тенгсиз ахлоқий асарларида, шунингдек, “Муножот”, “Вақфия”, “Мажолис ун-нафоис” каби битикларида ифода этади.

Навоий комил инсон тимсолларини ўзининг эпик асарларида яратиб, миллий адабиётни жаҳон бадиий тафаккури меҳварига кўтарган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида комил инсонни шакллантиришнинг мазмун ва усувлари хақида фикрлайди. Навоий “Маҳбуб ул- қулуб” асарида илм ўқиб, уни ишлатмаган кишини шудгор қилиб, дехқончилик қилмаган ёки уруг сочиб, ҳосил кўтармаган кишига ўхшатади:

Илм ўқиб, қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

Алишер Навоийнинг комил инсонни шакллантиришга оид фикрлари, таълимий-ахлоқий қарашлари миллий педагогик фикр тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Алломанинг қарашлари ўзидан олдин ўтган салафларнинг бу борадаги илғор таълимотларига асосланади.

Ижодкор эпик асарлари оламига ўқувчи чуқур киргани сари ўзида шахслик сифатларини кашф эта боради. Чунки эпик асарлар ўқувчиларда меҳр, хурмат, ота-онага, ватанга садоқат каби инсоний фазилатларни уйготади. Персонажлар воқеалар қуршовида эпик асарларда тасвирланади ва уларнинг табиатларига хос хусусиятлар, воқеа-ходисалар, кишиларнинг алоқа муносабатлари тасвири асносида намоён бўла боради. Маълумки, адабий таълимнинг муҳим вазифаси таҳлил асносида ўқувчиларга асарнинг бадиий қимматини туйдиришдан иборат.

Адабиёт дарсларида ўрганиш учун дастурга киритилган қатор эпик асарларнинг ҳажман йирик эканлиги, уларни кўпинча лирик асарлар сингари бир зарб билан ўқиб чиқиб бўлмаслиги, бинобарин, бир ўкув соати ичida ҳам матн билан танишиш, ҳам таҳлил қилиш имконсиз эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Эпик асарларни таҳлил қилишнинг ўзига хослигини келтириб чиқарган омиллардан бири ҳам айни шу ҳажм масаласига бориб тақалади.

Эпик асарларда муаллифнинг кечинмаси, туйғуси лирикадаги каби очиқ ва ошкора тасвирга тортилаверилмайди. Бу тур асарларда ҳиссиёт воқеалар қаърига беркитилган бўлади. Қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар замирида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тасвирлар жараёнига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади.

Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиши ва мантиқий хулосага кела билиш малакасини шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади . Эпик асарларни таҳлил қилишда ўқувчилар ёш хусусиятлари, уларнинг адабий тайёргарлигини тўғри ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади. Умумтаълим мактаблари 5-6-синфларида асосан эпик турнинг кичик жанрлари: эртак, ҳикоя, қиссалар, айрим достонлар ўрганилади. Йирик эпик асарларни ўрганишни юқори синфларда, академик лицей ва касб-хунар колледжларида амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг ҳар бирини ўрганишда ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланишга тўғри келади.

Навоий асарлари, умуман, мумтоз эпик асарларни таҳлил қилиш мушкул. Айниқса, эскирган, форс ва арабий сўзлар кўплиги, ўша давр бадиий талаблари, адиб услуби билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир.

Умумтаълим мактабларида Алишер Навоийнинг эпик асарларини ўқитишининг ҳолати кузатилганда, ўқувчи-ёшлар эпик асарларни қандай қилиб самарали ўзлаштиради, деган савол ҳамон ўз жавобини тўлиқ топмаганлиги кўзга ташланади. Улуг шоирнинг эпик асарларини ўргатишда қуидаги камчиликларга оммавий тарзда йўл қўйилади:

- ўқувчилар томонидан Алишер Навоий эпик асарларининг бадиий-эстетик моҳияти етарли даражада ўзлаштирилмаётгани;
- Навоийнинг эпик асарларини бадиий-гоявий жиҳатдан ҳис қилиш, англаш ва улардан таъсирланиш борасида ўқувчилар талабга етарлича жавоб беролмаётганлиги;
- ўқувчилар ўқитувчининг тайёр кўрсатмаларини бажариш ёки ижодий хусусиятларга эга бўлмаган иншолар ёзиш, дарсликдаги маълумотларни ўзлаштириш билан чекланиб қолаётгани;
- ўқувчиларнинг “Хамса” асари юзасидан дарсликларда келтирилган матндан ташқари манбаларни қидириш ва танишишга қизиқишилари сустлиги каби ҳолатлар Алишер Навоий эпик асарлари, хусусан, “Хамса” асарининг ўқитилишига замонавий усуллардан фойдаланиб ёндашиш лозимлигини тақозо қиласди. Илмий манбаларнинг таҳлили асосида шаклланган назарий қарашлар ва ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижаларига таянган ҳолда қуидагиларни таъкидлаш мумкин:
- Алишер Навоий эпик асарларини умумтаълим мактабларида ўргатиш бугунги талаблар даражасида ташкил этилмаган, замонавий ўқитиш усул ва

воситаларини қўллаш ўқувчиларда Навоийнинг эпик асарларига қизиқиш уйғотади;

-замонавий ўқитиши усуллари ўқувчиларни таълим жараёнининг иштирокчи ва ижрочисига айлантира олганлиги боис улар адабий таълим самарадорлигини оширади;

- мактаб адабиёти ўқувчиларнинг руҳияти, қалби, ҳиссиётлари оламини шакллантиришни кўзда тутар экан, унинг ўқитилишида ҳам ана шу ҳолат дикқат марказида туриши керак;

- адабий таълим жараёни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилганда эпик асарларга нисбатан ўқувчининг шахсий фикри, холосаси, муносабати пайдо бўлишига, яъни ижодийликка имконият яратилади.

Юкоридагилардан холоса килиб айтганда, ёшларга билим бериш, уларни касб-хунарга ўргатиш масалалари айниқса ота-оналар масъулият билан ёндашишлари зарурлиги бугунги кун талабидир. Шунингдек, ўқувчи эгаллаётган билими, ўзлаштираётган қўникма ва малакаларидан ташқари, ўзида инсоний фазилатларни эпик асарлар орқали шакллантириб борсагина, баркамол шахс бўлиб тарбияланиши мумкин.

Зеро касб танлаш – жиддий ва масъулиятли ишdir. Ўз ҳаёт йўлини жиддий суръатда белгилаб олиш осон иш эмас. Бунинг учун узоқ вақт маҳсус тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ўқувчи ёшларнинг касб-хунарга лаёқатини ўрганиш учун уларнинг ақлий, жисмоний қобилияtlарини билиш, малака ва қўникмаларини ўрганиш лозим.

Ўқувчиларга таъсир кўrsatiш, касбга йўналтириш ишларини муваффақиятли ўtkазиш учун мактаб психологи туман ташхис маркази билан ҳамкорликда иш олиб борса, айни муддао бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. XIV том. “Маҳбуб ул- қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”), –Т.: “Фан”, 1998. – 302 б.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. XIII том. –Т.: “Фан”, 1997. –284 б.
3. Алишер Навоий “Маҳбуб ул- қулуб”. -Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 106-б.
- 4 Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 126-127 б.
- 5 Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. 72-б
- 6 Зуннунов А. Адабиёт ўқитиши методикаси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1992. 16-б.
7. X. Алиқулов. Жалолиддин Давоний.- Т.: Ўзбекистон, 1992, 30-бет.
8. У.Маҳкамов. Одоб-ахлоқ сабоқлари. – Т.: Фан, 1995. 84-бет.